

ИЛМ-ФАН — ИШЛАБ ЧИҚАРИШГА

ТОҒДАГИ БОҒ

Ўзбекистоннинг боғбонлари Тянь-Шань ва Помир ёнбағирларидаги ёввойи мевазорларни саноат қўламини маданийлаштириш бошладилар. Ёш олма, ўрик, pista даракхларига тоғ зонасининг табиий иқлим шароитларига кўпроқ мослаштирилиб, районлаштирилган серхосия навлар пайванд қилинмоқда. Орадан 2-3 йил ўтгач бу ерда маданий навларнинг ҳамма хоссаларига эга бўлган мевалар пилиб етилди.

Академик Р. Р. Шредер номли боғдорчилик, узумчилик ва виночилик илмий ишлаб чиқариш бирлашмасининг олимлари, — деб хабар қилади «ЎзТАГ» мухбири. — мевазорлардан ҳўжалик мақ-

садларида фойдаланиш мумкинлигини тасдиқловчи биринчи шундай тажрибани ўтказган олимлар. Улар баланд тоғлардаги олма, «оқ розимарин» ва «ренет си-миренко» навларини пайванд қилгандилар. Натижада ёввойи мева даракхларининг ҳосилдорлиги 4-5 баравар кўпайди, ўрмонда ўсган олма-лар боғ олма-сига ўхшаб қолди. Мутахассисларнинг ҳисобларига кўра, пайванд қилинган ҳар гектар мевазор 500 сўм фойда келтиради.

Шу мавсум республика-нинг Бўстонлиқ ва Чирчиқ ўрмон ҳўжаликларига ўн минглаб тул ёввойи олма, ўрик, ёнғор даракхларини пайванд қилиш мўлжаллана-ди.

«РУС ТИЛИ — СССР ХАЛҚЛАРИ ДўСТЛИГИ ВА ҲАМКОРЛИГИ ТИЛИ» МАВЗУИДА ТОШКЕНТДА ЎТҚАЗИЛАДИГАН БУТУНИТТИФОҚ ИЛМИЙ-АМАЛИЙ КОНФЕРЕНЦИЯСИ ОЛДИДАН

УЛУҒ ВА ҚУДРАТЛИ

Рус тили — дўст тили, истиқбол тили деб бекор айтмайди халқимиз. Мамлакатимизда рус бўлмаган миллатларнинг шу тилини ўрганишга бўлган қизиқишлари, интилиш ва иштиёқлари йил сайин ортиб бормоқда. Зеро улуг рус оғамизнинг тили миллатларга алоқа воситаси, кўп миллатли совет халқининг, совет кишиларнинг ўзаро дўстона муносабатлар, дўстона фикр олишувлар, ҳамжиҳатлик, биродарлик тилига айланиб қолди. Совет кишилари улуг рус тилини ўзларининг иккинчи ома тиллари деганларидан минг бор ҳақдорлар. Чунки бу тилини давримизнинг ўзи, бутун инсониятнинг порлоқ келажиги — коммунистик жамият қуришнинг тантанаси учун ақид, ҳамдўст ва ҳамфикр бўлиб олиб бораётган кўп улуг рус оғамизнинг ўзи станци тил даражасига олиб чиқди. Мамлакатимиздаги энг кўп сўйли халқнинг тили — рус тили, орқали кишилар шу халқнинг юксак даражада ривожланган адабиёти, фан ва маданияти билан танишадилар, кўп миллатли совет кишилари учун жаҳон адабиёти, маданияти, фани ва бошқа маънавий бойликлари эшиклари шу тил орқали кенг очилди. Қардош халқларнинг адабиёти, маданияти намуналари ҳам рус тили орқали лттифотиюмиз ва жаҳон миқёсига ёйилди. Шунинг учун ҳам мамлакатимизда улуг рус тилини ўқиш, ўрганиш ва ўқаштиришга бўлган иштиёқ ва меҳр-муҳаббат тобора ошиб бормоқда.


Бизнинг кўп миллатли давлатимизда рус бўлмаган халқларнинг рус тилини эгаллашга бўлган интилишлари тобора кўчиб бормоқда. Бу тилини билиб олиш мамлакатимизнинг барча граждандари учун энг муҳим зарурат бўлиб қолди.

Мамлакатимизда миллий мактабларда, ўрта махсус ҳамда олий ўқув юртиларида рус тилини ўқитишни яхшилаш масалаларида ҳамма катта эътибор бериб келин-

моқда. Бу борада 1956, 1962 йилларда Тошкентда бўлиб ўтган республикаларо конференцияларни алоҳида таъкидлаб ўтиш лозим. Бу конференцияларда миллий мактабларда рус тили ўқитишни яхшилашнинг амалий программалари белгилан-ди.

Шуни алоҳида қайд этиш керакики, Ўзбекистон Коммунист партияси Марказий Комитети халқимизнинг қизиқиши ва истак-ҳўшичини эътиборга олиб, миллий мактабларда рус тилини ўқитишни яхшилаш, рус тили ўрганиш масалалари билан изчил равишда шуғулланиб келмоқда. Унинг ташаббуси билан 1975 йил октябр ойида Тошкент шаҳрида Бутуниттифоқ илмий-амалий конференцияси бўлиб ўтди. Конференцияда «Мамлакат мактабларида, ўрта махсус ва олий ўқув юртиларида рус тилини ўқитиш ҳамда ўрганишнинг тарбиявий масалалари» қарар қилинди. Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети илмий-амалий конференция аъзолари асосида «Республика мактабларида, олий ва ўрта махсус ўқув юртиларида рус тилини ўқитиш ва ўрганишни янада такомиллаштириш чоралари тўғрисида» махсус қарор қабул қилди. Бу қарор умумтаълим мактабларида, ўрта ва олий ўқув юртиларида рус тили ҳамда адабиётини ўқитишни янада яхшилаш, корхона, муассаса, колхоз, совхозларда, мактаб-гача тарбия муассасаларида рус тилини ўрганишни янада жонлантиришда гойат катта аҳамиятга эга бўлиб қолди. Мактабларда, мактабгача ва мактабдан ташқари тарбия муассасаларида, педагогика ва бошқа ўқув юртиларида рус тилини ўқитиш, ўрганишни янада яхшилаш мақсадида қатор тадбирлар белгиланди.

Серқуёш республикамизнинг ҳамма жойида бўлган қарши давлат педагогика институтлари ҳам партия ва ҳўкуматимиз қарорларини тўла амалга ошириш учун зарур тадбирлар қириди. Аввало, илмий-амалий конференциянинг материаллари, докладлар ва тавсиялар, шу хусусдаги бошқа ҳужжатлар барча кафедраларда, факультетларда синчилаб ўрганилиб, атрофияла муҳо-кама қилинди. Асосан мутахассислардан тузилган махсус комиссия институтга рус тили ўқитишнинг аҳоли билан танишиб чиқди. Текшириш натижалари факультетларнинг ва институтнинг кейинги натижалари маълум қилинди, рус тилини ўрганиш ва ўқитишни янада яхшилаш юзасидан зарур тад-



Магадан савдо портига қури-лишлар ва корхоналар учун турли-туман юнлар келиб тушади. Портидаги замонавий техника барча ишларини ен-гиллаштиришда. Суратда: Магадан портида. ТАСС фотохроникаси.

СОВЕТЛАР МАМЛАКАТИДА

1934 йилнинг май ойида «Правда» комбинати ишга туширилди. Ҳозирги кунда у мамлакатимиздаги энг йирик полиграфия корхоналаридан бири бўлиб қолди.

1940 йилга нисбатан махсу-лот тайёрлаш ҳақини 27 бара-вар ошди. Корхонада бир сут-када ўрта ҳисобда 11 миллион нускада газета, 3,3 миллион нускада журнал, 37 минг нус-қада китоб, 220 минг нускада репродукциялар нашр қилин-моқда. Суратда: «Правда» га-зетаси типографияси биринчи босмаҳонасининг намунали це-хиди.



МАҲОРАТ ҚУРИГИ

Спортнинг маъруз турига қизиқиш тобора ортиб бормоқда. «Тошкент оқшони» ва «Вечерний Ташкент» газеталари соврини учун ўт-казилган аънаъанавий мусо-бақат муҳлисларида ахши таас-сир қолдиришмоқда. Тошкент-да «Ёшлар» спорт арена-сида мамлакатимизнинг қариб 40 шаҳридан таширф бўюрган ку-рашчилар соврин учун ўзаро беллашмоқдалар. Эртага 300 самбочи ўртасида голиблар аниқланади. Фахрий ўринлар-ни эгаллаган самбочилар спорт мастери унвонига сазовор бў-лишди.

БЕЛЛАШУВЛАР, ТУПЛАР, ОЧКОЛАР

ГИМНАСТИКА. Челабинск шаҳрида СССР кубоги учун ўтказилган мусобабада шахсий ҳисобда армичи В. Турбанов галабача эришди. Мусобабада тошкентлик студент О. Отахо-нов ҳам иштирок этди. У маж-бурий программани қишчилар бўйича 54,35 балл туپлаб, фах-рий учинчи ўринни эгаллади. Ленин, умумий ҳисобда 11 ўрин билан кифояланганша мажбур бўлди.

ФУТБОЛ. Москвада СССР ва Чехословакия футболчилари ўртасида ҳаёқаро ўртоқлик уч-рашуви (3:0) ўтказилди. Чехо-словакиялик Ружомберок шаҳ-рида эса совет ва чехословак ишлари ўзаро куч синашдилар. Бу ўйинда ҳисоб 2:2 бўлди.

АЖОНИБОТЛАР ОЛАМИДА

ҒАЛАТИ БИР СИР ОЧИЛАДИ

Машҳур файласуф Кант айтиб ўтган муаммо ҳал этилди. У Ерда Ой ва Қуёш кўзгаданган кўтаришма ишқалениши планетанинг суткалик айланишини тасвирлашда ва шу тахлитда суткалар узаниб бориши ке-рак, деган гипотезани айтган-ди.

Кейинчалик астрономлар шу гипотезани тасдиқлашда-ди. Палеонтологлар ҳам шу гипотеза билан шуғулланиб, мержон тошларнинг тузи-лиш сирига эътибор берди-лар. Олимлар силур геологик даврига мансуб тош қатлан денгиз организмларининг қир-қимини ўрганибди, уларда суткалик ўсиш чизиқларини тоғдилар. Бу чизиқлар дарҳат танаси кесилимидagi йиллик ҳалқаларга ўхшаб кетади. Олимлар ана шу чизиқларни

ўрганиб, бундан 430 миллион йил аввал Ернинг йили 421 суткадан иборат бўлганлигини, бир сутка эса 21 соат бўл-ганлигини аниқладилар. Ҳозир-да биз марта тўла айланиб чи-қишда давом этмоқда. Қуёш — Ер-Ой системасининг дина-микаси билан боғлиқ ғалати сир шундай вужудга келди.

Арманистон ССР Фанлар академиясининг мухбир аъзо-си А. Аспляниш шу масалани ҳал қилди. У Ернинг суткалик айланиш даврини белгилашда

унинг редуси доимо қамма-ниб бораётганлигини назарда тутиш лозим, деган фикрини айтди. Планетанинг қисқилиши Ер айланишини тезлаштириш-га сабаб бўлади дейди олим. Кўтарилишдаги тормонлаш-нинг таъсири маълум даража-да шу билан қирилди. А. Асп-ляниш ҳисоблаб чиққан Ер редусининг қиқрайиш миқ-дори — 100 йилда 6,37 сан-тиметрдан иборат миқдор нима учун ҳозирги суткаларда 26 соат эмас, балки ҳақон 24 соатлигини тушунтириб бер-ди.

Мутахассисларнинг фикрича, масалани арман олим айт-ганидек ҳал этиш техникни ва магнетик ҳодисаларнинг ри-вожланиш қонуниятларини, шунингдек, у билан боғлиқ ру-да ҳосил бўлиш, қизилиш жараянларини ўрганишда янги истиқболлар очиб беради.

Бреван. Д. БАЛАГЕЗЯН, ТАСС мухбири.

Редактор М. КОРИЕВ.

РАДИО

БУГУН БИРИНЧИ ПРОГРАММА. 8.30

— Лирик концерт. 12.00 — Ўзбекистон ишқиси. 13.00 — Чорвачилик комплекслари — давр талаби. 13.30 — «Яйла» вокал-чолгу ансамбли иккун-этиди. 14.00 — 60 центнерчи-лар даласида. 15.00 — Л. И.

Врежнев. Кичик ер. Хотир-лардан сажидлар. 18.50 — Шо-лик. 19.45 — Ф. Назаров. Чор-воқ тароналари. 20.25 — Ўзе-бекистон ССРда хўжаймат кўра-ган артист Гулшод Отабоева кўйлади. 21.00 — Германия гитлер фашизмидан озод эти-лган кунга. 21.10 — Дўстим ҳа-қида сўз. 21.40 — Чорвалдор-лар, Сизлар учун. 22.28 — Қўйлар йиғирма ёшим 23.20 — Дам олиш концерти.

Комил АКРАМОВ

1943 йилдан КПСС аъзоси, Иттифоқ аҳамиятга молик шахсий пенсонер Комил Акрамов 65 ёшида вафот этди. К. Акрамов 1914 йилнинг 24 октябры кунин Кўқоғда туғил-ди. 1936 йилда Самарқанд ишқило ҳўжалик институтини тамомлагандан кейин Андижон ва Фарғона областларининг ишқило ҳўжалик органларида ишладди. У 1947 йилдан бош-лаб беш йил мобайнида пар-тия ишларида — Бувайда рай-он партия комитетининг бирин-чи секретари, Фарғона об-ласт партия комитетининг секретари, сўнгра эса бирин-чи секретари бўлди. Шундан кейин Фарғона област иккун-ия комитетининг раиси ва Самар-қанд област иккун-ия комитети раисининг ўринбосари бўлиб ишладди. Москвада партия раҳ-бар ҳодимларининг курсларида ўқиди. 1955 йилдан 1959 йил-гача ўтган даврда Ўзбекистон ССР ишқило ҳўжалик ми-нистрининг ўринбосари, Урта-сарой район партия комитети-нинг биринчи секретари, сўн-гра 1964 йилгача Фарғона об-ластидagi «Комсомо» совхоз-нинг, ва Тошкент областнинг 3-боғдорчилик-виночилик сов-хозининг директори бўлиб иш-ладди.

Комил Акрамов партия қар-га юрсура, ўша ерда иккун-ия ишладди, коммунистга ҳоқ юксак қазнавлар кўрсатди.

Партия ва ҳўкумат ўртоқ К. Акрамовнинг фаолиятига юксак баҳо бердилар. У Ленин ордени, Меҳнат Қизил Байроқ, II даражали Ватан уруши, Қизил Йўлдуз, «Хўрмат Белгиси» ордени ва кўп-на медаллар билан мукофот-ланди.

К. Акрамов Ўзбекистон Ком-партиясининг IX—XII съездла-рида Марказий Комитет аъзоси-чидаб сайланди. III—IV қа-лир-қў Ўзбекистон ССР Олий Советининг депутаты бўлди.

Ўзининг бутун ҳаётини халқ-ни хизмат қилишга бағишлаган принципал коммунист, ақло-ниб инсон, ўртоқлиги К. Акра-мовнинг ёрқин хотираси қал-бимизда ҳаммаша саядони қо-лади.

Бир группа ўртоқлари.

Деклама ва Ёллонлар

Театр

НАВОНИ НОМЛИ ЎЗБЕК ДАВ-ЛАТ АКАДЕМИК КАТТА ТЕАТ-РИДА — 8/У да Мармен, 9/У да Бир анти балетлар. ХАМЗА НОМЛИ ЎЗБЕК ДАВ-ЛАТ АКАДЕМИК ДРАМА ТЕАТ-РИДА — 8/У да Рўйхатларда йўқ, 9/У да Олтин девор (12.00). Келилар кўзголини (12.30).

МУҚИМИЙ НОМЛИ ЎЗБЕК ДАВЛАТ МУЗИКАЛИ ТЕАТРИДА — 9/У да Кулги нечаси (12.00, 19.30).

ЎЗБЕК ДАВЛАТ «ВН ГВАР-ДИЯ» ДРАМА ТЕАТРИДА — 8/У да Тўй муборак, қари қиз (10.00).

Шир

ТОШКЕНТ ДАВЛАТ ЦИРКИДА — янги программа: КАТТА БАЙРАМ ТОМОШАЛАРИ (19.30).

ТОШКЕНТ АВТОМОБИЛЬ ТРАНСПОРТИ ВА ПУЛЛАР ИНСТИТУТИ (К. Маркс кўчаси, 32-ўй) 20 МАЙ СОАТ 11.00 ДАН

БОШЛАБ

институтга кирувчилар учун

«ОЧИҚ ЭШИКЛАР КУНИ»НИ ЎТҚАЗАДИ

Ўзбекистон ССР Социал таъ-минот министрлиги иттифоқ миқёсдаги шахсий пенсонер. 1943 йилдан КПСС аъзоси

Комил АКРАМОВнинг

вафот этганлигини чуқур қай-ғу билан билдириб, марҳум-нинг оила аъзоларига таъзия изҳор қилади.

Тошкент халқ ҳўжалиги ин-ститутининг ректорати, партия ва маҳаллий комитетлари Меҳ-натни илмий ташкил этиш ва бошқариш кафедрасининг му-дир, доцент Ш. Н. Зайниди-новга отаси, Сивейск иттифоқ кафедрасининг доценти М. Х. Зайнидиновга акаси

Нуриддин Зайнидинович ҲУСАИНОВнинг

пафот этганлиги муносабати билан чуқур таъзия изҳор қи-ладилар.

Ўзбекистон ССР Фанлар ака-демиясининг А. С. Пушкин но-мидаги Тил ва адабиёт инсти-туту коллективия институтинг собиқ илмий ҳодими, пенсоне-р

Саҳий РАҲМАТИЙнинг

вафот этганлигини чуқур қай-ғу билан билдириб, марҳум-нинг оила аъзоларига таъзия изҳор қилади.

СОВЕТ ЎЗБЕКИСТОНИ

Орган ЦК Компартии Узбекистана, Верховного Совета и Совета Министров Узбекской ССР.

Редакция адреси: 700000.

Тошкент—П. Ленин

кўчаси, 41.

ТЕЛЕФОНЛАР: редактор — 33-65-45, 32-53-04, редактор ўринбосарлари — 33-79-14, 32-53-05, 33-06-83, 32-55-04, маъсул секретарь — 33-44-56, 32-53-05, секретариат — 33-72-83, 32-53-08; БУДИМЛАР: партия турмуши — 33-34-69, 32-53-97, 32-57-19, марксизм-ленинизм назарияси пропагандаласи — 32-55-70, калларо ҳаёт — 32-54-18, саноат транспорт ва капитал қурилиши — 33-47-80, 32-53-14, 32-54-09, кишлоқ ҳўжалиги — 33-76-04, 32-53-15, 32-53-70; адабиёт ва санъат — 33-20-38, 32-54-35, 32-55-16; совет қурилиши — 32-57-20, 32-54-26, фан, маънаф ва олий ўқув юртилари — 32-57-21, 32-54-24; ахборот ва спорт — 33-14-74, 32-54-27, 32-55-17, 32-54-26; катталар ва оммавий ишлар — 33-21-43, 32-53-53, 32-53-18, 32-53-20, 32-53-21, 32-54-13, ялдоствария — 32-57-22, коммунистнинг тарбия — 32-54-29, топографиястика — 33-73-43, 32-54-05, жамоатчилик қабулхонаси — 33-89-26, 32-52-26; ёллонлар бўлими — 33-81-42; ОБЛАСТ МУХБИРЛАРИ ККАССР — 2-42-62; Тошкент — 32-53-20; Самарқанд — 5-19-71; Сирдарё — 2-09-70; Сурхондарё — 3-55-33; Хоразм — 5-51-24; Бухоро — 3-31-42; Қашқадарё — 61-35; Фарғона сининг навабчиси — 33-90-50.